

ГЛОБАЛ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ НАУЧНОГО  
ИССЛЕДОВАНИЯ В СИСТЕМЕ  
ГЛОБАЛЬНОГО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

MODERN METHODS  
OF SCIENTIFIC INVESTIGATIONS  
OF HIGH GLOBAL EDUCATIONAL SYSTEM

I

Навоий - 2015





**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI XALQ TAЪЛИМИ  
VAZIRLIGI  
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI OLIIY VA ЎRTA MAХSUS  
TAЪЛИM VAZIRLIGI  
BUХORO DAVLAT UNIVERSITETI**

**ГЛОБАЛ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАРИ**

**Халқаро илмий конференция**

**9 апрел 2015 й.**

**СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ НАУЧНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ  
В СИСТЕМЕ ГЛОБАЛЬНОГО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**Международная научная конференция**

**9 апреля 2015 г.**

**MODERN METHODS OF SCIENTIFIC RESEARCH IN SYSTEM  
OF  
GLOBAL HIGHER EDUCATION**

**International scientific conference**

**9<sup>th</sup> April 2015 y.**



йўналишдаги фанларни ўрганиш учун Hot Potatoes дастуридан кенг қўламда фойдаланиш [3].

Юқорида қайд этилган, махсус тайёргарликни талаб қилмайдиган дастур мавжуд бўлишига қарамадан, кўпчилик олий ўқув юрғларида ПДВ ларни яратишга тўғри бўлаётган бир қатор муаммолар мавжуд. Яъни:

1. Педагогик дастурий воситаларни яратиш технологиясини эгаллаб мутахассисларнинг етишмаслиги.

2. Профессинал лицензион дастурий таъминотлар педагогик дастурий воситаларни яратиш учун ўзини қопламаслиги.

3. Мутахассис бўлмаган ўқитувчиларнинг дастурчилар ва техник мутахассисларсиз, педагогик дастурий воситалар яратишлари ўқув материалларни тайёрлаши учун ҳам, талабалар билан ишлаши учун ҳам, жуда кўп вақт сарфини талаб этади. Бунда сарфланадиган вақт кундузги ўқиш вақтидан ҳам ошиб кетади.

4. Педагогик дастурий воситаларни яратишда фаолият кўрсатувчи аксарини ўқитувчилар базавий техник қобилиятга ва тегишли ўқув муҳитга мос келувчи он-лайн мулоқот малакаларига эга эмасликлари.

Ваҳоланки, маълумотларни янгича услубда тақдим этиш, мультимедиа маҳсулотлар яратиш, ўқув машғулотларини интерактив усулларда олиб бориш, талабалар билан он-лайн мулоқот ва ҳоказо ҳозирги замон талабидир. Шундай экан, ПДВ яратувчилари дуч келаётган муаммоларни ҳал қилиш чора – тадбирларини ечишни куйидаги йўналишлар орқали амалга оширган маъқул:

- ↓ ўқитувчиларни он-лайн ўқитишга тайёрлаш;
- ↓ ўқитувчиларни доимий қайта тайёрлаш ва қўллаб туриш;
- ↓ технологик ўқув муҳитларини яратиш;
- ↓ яратилаётган педагогик дастурий воситаларнинг сифатини ошириш ва доимий назоратини таъминлаш мақсадида технологик назоратни такомиллаштириш.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоиз-ки, ўқув жараёнида тизимлаштирилган, тўғри яратилган педагогик дастурий воситаларни қўллаш, талабаларда ўқув адабиётлари билан ишлаш, керакли ахборотни излаш кўникмалари, бундан ташқари ўзини бошқариш, илмий изланувчанлик, ўқув материали устида ижодий ишлаш ҳиссини шакллантиради.

#### Адабиётлар:

1. Бегимкулов У.Ш., Джураев Р.Х. ва бошқалар. Педагогик таълимни ахборотлаштириш: назария ва амалиёт. Монография. Тошкент – 2011. – 177 б.

2. Зарипова М.Ж., Зарипова Н.Ж. Использование программы iSpring Suite при создании мультимедийных электронных учебных пособий. Материалы XVIII международной научно-практической конференции, «Актуальные проблемы информатики и информационных технологий», Тамбов. ГАУДЕМАУС психолого-педагогический журнал. 2012, №2 (20), 92-95 стр.

3. М. Zaripova, O. Xatamov, Sh. Esanov. “Hot Potatoes dasturi yordamida interaktiv mashqlar yaratish”. Uslubiy qo'llanma. 2012 y. – 74 b.

4. Смирнов Д. Электронное обучение: Решение для учебных заведений. <http://www.introtrans.ru/solutions/solution-for-educational-institutions>.

## ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Зиядуллаев Д.Ш Норматов М.Й., Зиядуллаева Г.Э.  
Низомий номидаги тошкент давлат унверситети

#### ANNOTATION

The modern university uses the modern standards of management based on information technologies. In given article introduction of information system and its efficiency in an education sphere is considered.

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается внедрение информационной системы и анализируется её эффективность в сфере образования.



Замонавий техника ва технологиянинг ривожланиши барча соҳа сингари олий таълим муассасаларини ҳам ахборот технологиялари билан тўлиқ таъминлашни тақозо этмоқда. Олий ўқув юр்தларининг (ОЎЮ) ахборот технологияларидан фойдаланиш эса замонавий таълимни йўлга қўйишни белгилайди ва технологиянинг замонавий бошқарув стандартларидан фойдаланади.

Бу глобаллашув асрида эса ОЎЮни бошқаришда ҳам анча муаммоларни ечишда ахборот тизимларининг аҳамияти ҳам каттадир.


ОЎЮни бошқариш муаммолари:

- Турли мутахассислик бўлимларининг ортиб бориши;
- Алоҳида бўлимлар учун турли махсус ечимлардан фойдаланиш;
- Шарт-шароитнинг динамик алмашиши;
- Бошқариш ва таҳлил учун ахборотнинг етишмовчилиги ва бошқалар.

Ахборот тизимини яратишдан мақсад: университет бошқарувини самарали таъминлаш ва унинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатига амал қилиш, доимий автоматик назорат қилиш, унинг бўлимларининг самарадор инструмент сифатида ахборот кўмаги яратиш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Хорижий тажрибадан келиб чиқадиган бўлсак, бизнинг республикамизда ҳам барча соҳалар сингари таълим тизими такомиллашиб бормоқда. Яъни, барча жараёнларга ахборот технологияларининг тадбиқи натижаси ўлароқ ривожланган мамлакатлар сафидан жой олмоқдамиз. Ривожланган мамлакатларда ҳозирда қўлланилиб келинаётган таълимнинг ахборот тизими ҳам юқори натижа бериши табиийдир.

Таълимга жорий этилган универис ахборот тизимининг вазифаси қуйидагиларни камраб олади: университет фаолияти самарадорлигини ошириш; мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш; бошқарув тезкорлигини режалаштириш ва ресурслардан фойдаланишни тезлигини ошириш; университетнинг таълим вазирлиги ва бошқа ташкилотлар билан алоқасини самарадор ташкил этишга эришиш ва бошқалардан иборат.



Тизимнинг ягона маълумотлар базаси эсосида эса маълумотлар базасини бошқариш тизими – FIREBIRD, операцион тизим LINUX, дастурий тизим ишлаб чиқариш тармоқи –



DELPHI, фойдаланувчиларнинг ягона маълумотлар базаси, барча керакли ахборотга бирваракайига кириш, шу жумладан турли манбалардан бир вақтда фойдалана олиш имкони, ОУЮнинг барча бизнес жараёнларини ҳам юқори сифатли таъминлаш, қарор чиқариш учун энг қулай бўлган имконият ва ахборотни энг қулай тарзда, керакли вақтда, керакли жойда ва керакли кўринишда тақдим этиш имконияти мавжуд.

Университет бўлимларининг ўзаро алоқасини қуйидагича тасвирлаш мумкин бўлади:

1-расм. Университет бўлимларининг ўзаро алоқа структураси.

Университет тизимидан фойдаланувчиларнинг жойлашув структураси, интерн



2-расм. Фойдаланувчиларнинг жойлашув структураси


Университет ахборот тизимининг асосий ядросини қуйидагича шакллантирсак, мақсадга мувофиқ бўлади.



3-расм. Университет – ядро тизими

Тизимга уланишни ҳам содда кўринишда тасвирлаш мумкин:






4-расм. Тизимга уланиш схемаси

Тизимни қуриш принциплари қуйидагиларга асосланади: -интеллектуаллик; - интеграциялашувчанлик; -модуллилик; -фойдаланишлик; -мослашувчанлик; -ишончлилик ва хавфсизлик.

Маълумотлар базаси билан турли хил алоқа қилиш имкониятини қуйидаги структура билан белгилаш мумкин:



5-расм. Алоқа имкониятлари

Тизимнинг функционал модуллари, яъни автоматлаштирилган иш ўринлари (АИЎ)мавжуд: - деканатнинг АИЎ; - талаба кадрлар бўлимини АИЎ; - Ишчи кадрлар бўлимини АИЎ; - Ишлаб чиқариш хизмати АИЎ; - Мобиль бошқаруви АИЎ; - Бюджетдан ташқари таълим фаолияти бошқарувининг АИЎ; - Қабул бўлимини АИЎ.

Тизимнинг ўқув фаолиятидаги функционал имкониятлари:

- Ўқув режаларининг ишлаб чиқилиши, шарт - шароитларини аниқлаш, уни тасдиқлаш каби масаларни ечишга кўмаклашади;

- Ўқув тадбирлари жадвалини тузиш, ўқув юкларини режалаштириш ишларини таъминлайди.

- Таълим дастурига ечим киритиш, қабул қилиш, имтиҳонларга киритиш, ўзлаштириш ҳисоби, кейинги курсга ўтказиш, талаба ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш, талабалар сафидан чиқариш ва битириш масалаларини ечишни таклиф этади.



- Тизим талабаларга ва ота - оналарга веб ва sms технологиялар асосида ахборот бериш масаласини ечади.

- Талабанинг ўқиш хакини тўлаш ҳисобини юритади. Келажакда тизим ҳар бир талаба учун индивидуал таълим дастури ва жадвалини режалаштириш имкониятини яратади.

Бу тизимни ОЎЮга жорий қилинса, бизнингча самарали бошқарув, мунтазам билим олиш, кадрларни назорат қилиш, электрон хужжат юритиш, масофавий фойдаланиш имкони ва бошқалардан фойдаланиш имконини беради.

Бундай замонавий ахборот тизими республикамизда ҳам эҳтиёж йўқ эмас. Чунки кундан - кунга ортаётган ахборот оқими ва ишлаб чиқаришнинг ортиши, кадрларга бўлган талаб бозор иқтисодиёти шароитида иш ўринларининг кўпайиши, шу билан бирга иқтисодий самарадорликка эришиш манбаи сифатида қараш мумкин. Ижтимоий самарадорликка эришишнинг асосий кўрсаткичи бу вақтни тежашдир. Бошқарувда эса вақт ҳам катта роль ўйнайди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Р. А., Абдулкаримов В. И., Ибрагимов Н. А. Иқтисодий ахборотни ишлашнинг автоматлаштирилган тизимлари.- Тошкент, 2009.-175б.
2. Икромов М. Автоматлаштирилган бошқариш системалари.- Т.:Ўқитувчи, 1992 й.-136б.
3. Монахов В.М. Концепция создания и внедрения новой информационной технологии обучения / Проектирование новых информационных технологий обучения. - М.,1991.
4. Роберт И.В. Современные информационные технологии в образовании. - М.: Школа - Пресс, 1994.
5. www.univeris.susu.ac.ru

## ИНТЕГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ НА ЗАНЯТИЯХ ПО ГЕОМЕТРИИ

Кайпназарова Г., Юлдашева Н.

Нукусский государственный педагогический институт

### РЕЗЮМЕ

Мақолада геометрия фанини ўқитишда интеграцион жараёнлар, жумладан, инглиз тили асосида дарс ўтишга кўрсатмалар берилган. Бу кўрсатмаларнинг асосий мақсади геометрия соҳасида малака ва кўникмаларни ривожлантиришда инглиз тилидан фойдаланишдан иборат.

### SUMMARY

The paper describes the integration processes that are used in the classroom for the geometry, in particular given guidance on the use of English.

На современном этапе социального и научно-технического прогресса представляется актуальным внедрение в практику высшего образования новых форм обучения. Следует разделить традиционное и современное занятие. Традиционное занятие решает общеобразовательную задачу - вооружить студентов знаниями и строится в основном на объяснительно-иллюстративном методе. На таком уроке широко применяются наглядные пособия, организуется наблюдение и описание увиденного.

Современное занятие формирования знаний на основе сочетания разнообразных методов и средств обучения решает комплекс задач. Используются как объяснительно-иллюстративные, так и частично поисковые, исследовательские методы обучения, дискуссия, разнообразные источники знаний, мультимедийные курсы, интернет-технологии, другие технические средства обучения и контроля. Широко используются также разнообразные формы работы: групповая, фронтальная, звеньевая, парная, индивидуальная. На таких уроках создается больше возможностей для решения познавательных задач, высказывания предложений реализации творческого потенциала, словом создаются условия для полного развития личности учащегося.

Эффективность интегрированного обучения зависит от правильного, педагогически обоснованного выбора форм организации обучения, который обеспечивается глубоким и



180.	ЭЛЕМЕНТАР ЗАРРАЛАР ФИЗИКАСИ БЎЛИМИНИНГ ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ МАЖМУАСИ ТЎҒРИСИДА. Давлетниязов С., Сулайманов А., Жалекешов А.....	442
181.	ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ ПО ИНФОРМАТИКИ И ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ. Джуроева Р.Б.....	444
182.	РАЗВИТИЕ МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЙ В ОБРАЗОВАНИИ Ёдгоров Г.Р., Мирсанов У.М., Ходжабаев Ф.Д.....	447
183.	TA'LIM MUASSASASINING AXBOROT MAYDONI VA UNI O'QUV JARAYONIGA TADBIQ ETISH PRINSIPLARI. Yorqulov B.A., Maxmudova M.A., Djuraeva D.R. ....	448
184.	ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ МУҲИТИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ (MOODLE МИСОЛИДА). Жўраев Т.Н.....	450
185.	ПЕДАГОГИК ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАР ЯРАТИШ МУАММОСИ Зарипова М.Ж., Мирсабурова У.М., Джумаев Ф.Т. ....	452
186.	ТАЪЛИМДА АХБОРОТ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИ. Зиядуллаев Д.Ш., Зиёдуллаева Г.Э, Норматов М.Й.....	454 ✓
187.	ИНТЕГРАЦИОННЫЕ ПРОЦЕССЫ НА ЗАНЯТИЯХ ПО ГЕОМЕТРИИ. Кайпназарова Г., Юлдашева Н. ....	458
188.	ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА МУЛЬТИМЕДИА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ. Мамажанов Р.Я., Раджабов Т.Ж. ....	461
189.	ЭКСТРЕМАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ПРОГРАММИРОВАНИЮ ДЛЯ НАЧИНАЮЩИХ. Махмудов А.З., Абидова Ш.Б. .....	463
190.	ТАРИХ ҲАҚИДА ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ МАСАЛАСИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР. Мирзаева Н.Ж., Қодирова Л.Б.	465
191.	ВЛИЯНИЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ЛИЧНОСТЬ. Нигматулина Л.А. ....	467
192.	РАЗРАБОТКА ЭЛЕКТРОННО-УЧЕБНЫХ РЕСУРСОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СТАНДАРТНОГО ПАКЕТА ПРИКЛАДНЫХ ПРОГРАММ. Раджабов Б.Ш., Мамажанов Р.Я., Ахатова Р. Ю.....	469
193.	МЕТОДЫ И АЛГОРИТМЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ СЛОЖНОСТИ ТЕСТОВЫХ ВОПРОСОВ В СИСТЕМУ АДАПТИВНОГО ТЕСТ-КОНТРОЛЯ ЗНАНИЙ Б.Ш.Раджабов, Г.А.Самигова., Гулямова Д.Р. ....	471
194.	БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ҲАҚИДА МУЎТАВАККИЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ. Раимова М.	475
195.	ОБЕСПЕЧЕНИЮ ИНФОРМАЦИОННО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ. Раупова Ш.А., Жуманов А.А.....	478
196.	ТАЛАБАЛАРНИНГ МАТЕМАТИК ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИ. Раҳматова Ф.....	480
197.	МАСОФАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲАҚИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ Рўзиёв Р.А., Ёркулов Б.А.....	482
198.	MASOFAVIY O'QITISH TIZIMI- TA'LIM TIZIMINING RIVOJLANISHIDA Ro'ziev R.A., Qo'chqorova S.S., Samandarov J.I.....	484
199.	«ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» ФАНИНИ ҲАҚИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ОТИМЛАР МИСОЛИДА.	486